

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛОЕВ ШАХОБИДИН ХАСАНБОЕВИЧ

**ТЕМИР(III) АСОСИДАГИ АЙРИМ ГЕТЕРОМЕТАЛЛИК БИОЛОГИК
ФАОЛ КАРБОКСИЛАТ КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАР ВА УЛАРНИ
СИНФЛАШ**

02.00.09 - Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of dissertation doctor of science

Абдуллоев Шахобидин Хасанбоевич

Темир(III) асосидаги айрим гетерометаллик биологик фаол карбоксилат комплекс бирикмалар ва уларни синфлаш..... 3

Абдуллоев Шахобидин Хасанбоевич

Некоторые гетерометаллические биологические активные карбоксилатные комплексные соединения на основе железа(III) и их классификация..... 29

Abdulloev Shakhobidin Khasanboevich

Some heterometallic biologicaly active carboxylate complex compounds based on iron(III) and their classification 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛОЕВ ШАХОБИДИН ХАСАНБОЕВИЧ

**ТЕМИР(III) АСОСИДАГИ АЙРИМ ГЕТЕРОМЕТАЛЛИК БИОЛОГИК
ФАОЛ КАРБОКСИЛАТ КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАР ВА УЛАРНИ
СИНФЛАШ**

02.00.09 - Товарлар кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/K102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tkti.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аскарлов Иброҳим Раҳмонович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махсумов Абдухамид Гафурович
кимё фанлари доктори, профессор

Умаров Бақо Бафоевич
кимё фанлари доктори, профессор

Зиядуллаев Одилжон Эгамбердиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг « _ » _____ 2021 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани А. Навоий кўчаси 32 уй. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: info@tcti.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани А. Навоий кўчаси 32 уй. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: info@tcti.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Л.Пулатов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Ф.Б.Игитов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

Қ.М.Каримкулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги бир марталик илмий
семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли сонининг юқори суръатларда кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг кескин ортишига олиб келмоқда. Бу ўринда ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширувчи, гўшт учун боқиладиган парранда ва чорва молларини ўсишини тезлатувчи экологик хавфсиз, инсон саломатлиги учун зарарсиз янги биологик фаол моддаларни яратиш ҳамда уларни қишлоқ хўжалиги соҳасига тадбиқ этишни тақозо қилмоқда. Шунинг учун биостимулятор хоссасига эга бўлган таркибида темир ва бошқа биоген металл ионлари бўлган янги моддаларни синтез қилиш ва амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда комплекс бирикмалар асосида биологик фаол бирикмалар олиш, қишлоқ хўжалигини юқори самарали биостимуляторлар билан таъминлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада темир ва бошқа микроэлементлар тутган, тирик организмнинг ўсишига ижобий таъсир этувчи карбоксилат комплекслар олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш; уларни жаҳон божхона ташкилотининг уйғунлаштирилган тизими асосида таснифлаш; мазкур комплекс бирикмалар таркибидаги металллар табиати, уларнинг тузилиши, металл-металл электрон кўчишларининг ушбу моддаларнинг биологик фаоллигига, физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган, биологик фаол моддалар синтез қилишда янги инновациялар жорий қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айрим комплекс бирикмалар асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш ва амалиётда қўллаш бўйича илмий ва назарий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...экспорт-импорт операциялари амалга оширишни янада такомиллаштириш, расмийлаштириш муддатларини, зарур ҳужжатлар сонини ҳамда харажатларни қисқартириш»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиб темир(III) асосидаги уч ядроли гетеробиметаллик оксо-марказлашган карбоксилат комплекслар негизида таркибида темир ва бошқа биоген металллар сақловчи биологик фаол препаратлар синтез қилиш, уларни кимёвий таркиби асосида синфларга бўлишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 12 апрелдаги ««Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2884-сон, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Темир(III) асосидаги гетерометаллик карбоксилат комплекс бирикмалар синтези ва уларни тадқиқотига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Department of Chemistry, University of Vermont, Department of Chemistry, University of Texas, Department of Chemistry and the Molecular Structure Center, Indiana University (АҚШ), Department of Chemistry, The University of Hull, School of Chemical Sciences, University of East Anglia (Буюк Британия), Technische Universität Dresden, Sektion Chemie (Германия), The Institute of Physical and Chemical Research (Япония), Departamento de Química Inorgánica, Universidad Autónoma de Madrid (Испания), Coordination Chemistry Institute, State Key Laboratory of Coordination Chemistry, Nanjing University (Хитой), Research Institute for Solid State Physics and Optics (Венгрия), Institute for Atomic Physics (Руминия), Россия ФА Умумий ва ноорганик кимё институти, Россия ФА Сибир бўлими Ноорганик кимё институти, Санкт-Петербург давлат технология институти (Россия Федерацияси), Украина Миллий ФА Физикавий кимё институти, Молдавия Республикаси ФА Кимё институти, Тожикистон миллий университетида олиб борилмоқда.

Темир(III) асосидаги гетерометаллик карбоксилатларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: умумий формуласи $[Fe^{3+}_2M^{2+}O(RCOO)_6L_3] \cdot nL$ бўлган оксо-марказлашган комплекс бирикмаларнинг вакиллари синтез қилинган (Department of Chemistry, The University of Hull, School of Chemical Sciences, University of East Anglia, Буюк Британия); оксо-марказлашган карбоксилатларнинг айримларини молекуляр ва кристалл тузилишлари аниқланган (Department of Chemistry, University of Vermont, Department of Chemistry, University of Texas, Department of Chemistry and the Molecular Structure Center, Indiana University, АҚШ), Institute for Atomic Physics (Руминия), Россия ФА Умумий ва ноорганик кимё институти); синтез қилинган оксо-карбоксилатлардан айримларининг магнетокимёвий тадқиқотида уларда антиферромагнитик таъсирлашувлар борлиги аниқланган; (Россия ФА Сибир бўлими Ноорганик кимё институти, Санкт-Петербург давлат технология институти (Россия Федерацияси), Украина

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://centralasianstudies.org>; <https://stankiexpert.ru>; <https://www.rfbr.ru>; <http://www.igic.ras.ru>; <https://ssau.ru>; <https://www.mdpi.com>; <https://digibuo.uniovi.es>; <https://www.infona.pl>; <https://www.osti.gov>; <https://istina.msu.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Миллий ҒА Ғизикавий кимё институти); темирнинг аралаш оксидланиш даражали оксо-карбоксилатларини ЯҒР-спектроскопик таҳлили натижасида уларнинг μ_3 -оксокластер тузилишга эга эканлиги аниқланган (The Institute of Physical and Chemical Research (Япония), Молдавия Республикаси ҒА Кимё институти, Тожикистон миллий университети).

Дунёда темир(III) асосидаги биологик фаол гетерометаллик карбоксилатларини олиш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан уч ядроли оксо-карбоксилатлар синтез қилиш ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш; синтез қилинган моддалар асосида, газларни сақлашда, уларни селектив ажратишда, дори-дармонларни организмнинг керакли қисмига мақсадли етказиб беришда, катализда, люминесценцияда, қўлланилувчи ғовакли металлорганик координацион полимерлар олиш; гетерометаллик карбоксилатларни термик парчалаш асосида электротехникада ва магнетомеханикада қўлланилувчи диэлектрик магнит материаллар - ферритлар олиш; оксо-марказлашган карбоксилатларни қайта ишлаш негизида наноматериаллар олиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темир(III) асосидаги уч ядроли гетеробиметаллик оксо-марказлашган карбоксилат комплексларни синтези ва хоссаларини ўрганиш бўйича Германияда R.F.Weinland, Францияда A.Chretien, Буюк британияда A.V.Blake, АҚШда R.D.Cannon, Японияда T.Sato, F.Ambe, Руминияда D.Lupu, Хитойда Z.J.Zhong, X.Wang, Эронда M. Yazdanbakhsh, Россия Федерациясида В.В.Зеленцов, Ю.В. Яблоков, Ю.В.Ракитин, В.В.Новоторцев, И.Л.Ерёменко, Украинада К.С.Гавриленко, Молдавияда К.И.Туртэ, Тожикистонда Х.М.Якубов, Т.А.Насонова, Ўзбекистонда Махсумов А.Г., И.Р.Асқаров ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб бордилар.

Темир(III) асосидаги гетерометаллик карбоксилатларни олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ҳамда биологик фаоллигини ўрганишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: умумий формуласи $[Fe^{3+}_2M^{2+}O(RCOO)_6L_3] \cdot nL$ (бу ерда $M = 3d$ -металл; $RCOO^-$ - карбон кислота ёки унинг ҳосиласи аниони; L – сув, пиридин каби нейтрал электрон донор лиганд) бўлган оксо-марказлашган комплекс бирикмаларнинг вакиллари синтез қилиниб уларнинг айримларини молекуляр ва кристалл тузилишлари аниқланган; моддаларнинг индивидуаллигини аниқлашда магнетокимё, ядро-гамма резонанс (ЯҒР), инфра қизил (ИҚ), электрон ютилиш спектроскопия методлари қўлланилган, лекин комплекснинг умумий хоссаларига гетерометалл M , карбоксил ва нейтрал лигандлар табиатининг таъсири тизимли ўрганилмаган. Темир(III) асосидаги гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилатларнинг биологик фаоллиги тизимли тадқиқ этилмаган ва моддалар товар сифатида ишлаб чиқилмаган.

Мазкур диссертация иши айрим карбон-, аминокарбон кислоталарнинг темир(III) негизидаги гетерометаллик комплекс бирикмаларини синтез қилиш, олинган моддаларнинг таркиби, тузилиши ва биостимуляторлик хоссаларини

тадқиқ этиш, кимёвий таркиби асосида синфлаш, ТИФ ТН бўйича тегишли янги халқаро товар кодлари ажратиш ва тавсия этилган товар кодларини амалиётга жорий этиш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Таркибида темир тутган биологик фаол моддалар, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темир(III) асосидаги гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилатларни синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш, ажратиб олиш, хоссаларини аниқлаш ва улар асосида биоген металллар тутган янги биостимуляторлар яратиш ҳамда олинган моддаларни ТИФ ТН бўйича синфлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

карбон-, аминокарбон- ва ферроценкарбон кислоталарнинг темир(III) асосидаги уч ядроли гетерометаллик оксо-марказлашган комплекс бирикмаларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

ажратиб олинган моддаларнинг таркибини, тузилишини ва хоссаларини кимёвий анализ, хроматография, атом абсорбцион спектрофотометрия, рентген структур анализ (РСА), магнетохимия, ЭПР-, ЯГР-, ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия, дериватография ва кондуктометрия усулларидан фойдаланиб тадқиқ этиш;

синтез қилинган гетерометаллик карбоксилатларни термик парчалашга асосланган юқори сифатли шпинельсимон ферритлар олишнинг кам харажатли усулини ишлаб чиқиш;

олинган гетерометаллик бирикмаларнинг қишлоқ хўжалиги экинларига биостимуляторлик таъсирини лаборатория ва дала шароитларида синовдан ўтказиш ҳамда фаоллиги юқори бўлган стимуляторларни амалиётда қўллаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

синтез қилинган комплекс бирикмаларнинг стимуляторлик фаоллигини бройлер жўжаларининг тирик вазини оширишга таъсирини ўрганиш ва юқори самара кўрсатган биостимуляторлардан паррандачилик амалиётида фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

темир(III) асосидаги гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилат комплексларни ТИФ ТН қоидаларига биноан синфлаш ва халқаро товар кодлари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида темир(III) асосидаги уч ядроли гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилат комплекс бирикмалари, уларнинг қишлоқ хўжалиги экинларига ва паррандалар тирик вазнига биостимуляторлик таъсири олинган.

Тадқиқотнинг предмети карбон- ва аминокарбон кислоталарнинг темир(III) иштирокида уч ядроли гетерометаллик комплекс бирикмаларини синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштириш, олинган моддаларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини тадқиқ этиш,

биологик фаоллигини ўрганиш, уларни кимёвий таркиби асосида ТИФ ТН қоидаларига биноан тегишли синфларга ажратиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион ишда кимёвий анализ, юпқа қатламли ва устунли хроматография, атом-абсорбцион спектрофотометрия, рентген структур анализ (РСА), магнетохимия, ЭПР-, ЯГР-, ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия, дериватография, кондуктометрия, модда тузилишини ва хоссаларини квант-кимёвий ҳисоблаш усулларида, шунингдек, ТИФ ТН қоидаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта уч ядроли гетерометаллик аралаш оксидланиш даражали карбоксилат комплексларни синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

умумий формуласи $[Fe^{+3}_2M^{2+}O(RCOO)_6L_3] \cdot nL$ (бу ерда $M = VO, Mn, Fe, Co, Ni, Cu$, ёки Zn ; $R = -CH_3, -C_2H_5, -CH_2Cl, -CH_2Br, -CH_2I, -CCl_3, -C_5H_5NCH_2, -CH_2(NH_2), -CH_3CH(NH_2), (CH_3)_2CHCH(NH_2)-, (CH_3)_2CHCH_2CH(NH_2)-, n-Fc(CSNH_2)-C_6H_4$; $L = H_2O, C_5H_5N, C_7H_9N, C_9H_7N$) бўлган 59 та оксо-марказлашган карбоксилатлар синтез қилиниб, илк бор янги полиядроли комплекс бирикмалар синфи асосланган;

синтез қилинган гетерометаллик μ_3 -оксо-карбоксилатлар молекуляр структураларининг геометрик параметрларини квант-кимёвий ҳисоблаш амалга оширилиб, ҳисобланган натижалар экспериментал равишда РСА усули билан ўлчанган параметрлар билан мос келиши аниқланган;

олинган оксо-карбоксилатларнинг ЭПР спектрлари ва магнит қабулчанлигини кенг температура оралиғида ўлчаш асосида ичкимолекуляр антиферромагнит алмашилиш таъсирлашувлар мавжудлиги ва моддаларининг μ_3 -оксокластер тузилишга эга эканлиги асосланган;

гетерометаллик μ_3 -оксо-карбоксилатларнинг ЯГР спектрларини тадқиқ этиш асосида Fe^{3+} ионларининг октаэдрик ўрамда, юқори спинли ҳолатда эканлиги, квадруполь ажралиш қийматига гетерометалл ҳамда лигандлар табиатининг таъсир этиш механизми аниқланган;

илк бор синтез қилинган гетерометаллик карбоксилатларнинг ИҚ спектрларини квант-кимёвий ҳисоблаш методидан фойдаланиб, бирикмаларнинг изоструктурлиги ва μ_3 -оксокластер тузилишга эга эканлиги асосланган;

дериватографик ва кондуктометрик анализ асосида уч ядроли гетерометаллик оксо-карбоксилатларнинг қаттиқ ҳолатдаги ва эритмадаги барқарорлигига гетерометалл М табиатининг таъсир этиш қатори аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

темир(III) асосидаги гетерометаллик оксо-карбоксилатлардан шпинельсимон ферритлар олишнинг паст темературали, юқори самарали усули ишлаб чиқилган;

темир (III) асосидаги гетерометаллик карбоксилатлар негизида янги «Асфер-Н» ва «Асглифер-РН» номли ғўзани ўсишига ва ҳосилдорлигини оширишга ижобий таъсир этувчи биостимуляторлар яратилган;

таркибида темир, марганец ва рух сақлаган гетерометаллик карбоксилатлар асосида «Асфер-М», «Асглифер-М» ва «Асглифер-Р» номли паррандалар тирик вазнини оширувчи биостимуляторлар яратилган;

кўп ядроли оксо-марказлашган карбоксилат комплекслар кимёвий таркибига кўра синфланиб, уларга ТИФ ТН бўйича 4 та янги товар кодлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Синтез қилинган моддаларнинг тозалиги хроматография усулида текширилганлиги, уларнинг кимёвий анализ, ИҚ-, ЭПР-, ЯГР-спектроскопик, масс-спектрометрик ва атом-абсорбцион спектрофотометрик анализ натижалари замонавий асбоб ва жиҳозлардан фойдаланиб ўлчанганлиги, тажрибаларда олинган натижаларни ҳисоблашнинг илғор квант-кимёвий усулларда олинган назарий натижаларга мос келиши, барча олинган натижаларнинг математик қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг илмий нашрларда эълон қилинганлиги билан асосланган ҳамда амалий натижалар ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланган

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир(III) асосидаги гетерометаллик карбоксилат комплекс бирикмаларини синтез қилиш ва ажратиб олишнинг усуллари ишлаб чиқилганлиги, олинган барча моддаларнинг таркиби, тузилиши хоссалари хроматография, кимёвий анализ, атом-абсорбцион спектрофотометрия, дифракцион рентгенография, магнетокимё, ЭПР-, ЯГР-, ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия, дериватография, кондуктометрия усулларида ҳамда молекулалар тузилишни квант-кимёвий ҳисоблаш методларида тадқиқ этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган темир(III) асосидаги карбоксилат комплексларнинг ғўзага биостимуляторлик таъсир этувчилар эканлигининг аниқланиши, жўжалар тирик вазнини оширувчи хусусиятга эгаллигини исботланиши, темир тутган бирикмаларни кимёвий таркиби бўйича синфларга бўлиб, ТИФ ТНга биноан товар кодлари ажратилиши мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Темир(III) асосидаги айрим гетерометаллик биологик фаол карбоксилат комплекс бирикмалар ва уларни синфлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таркибида темир билан биргаликда марганец ва рух сақлаган гетеробиметаллик оксомарказлашган карбоксилат ҳамда глицинат комплекслар асосида жўжалар тирик вазнини оширувчи «Асфер-М», «Асглифер-М» ва «Асглифер-Р» препаратлари Фарғона вилояти паррандачилик хўжалигида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 17 мартдаги 04/032-1149-сон маълумотномаси). Натижада, жўжаларнинг тирик вазнини одатдагидан 8,7-10,9 % га ошириш имконини берган;

темир(III) асосидаги гетеробиметаллик оксомарказлашган карбоксилат комплекслар асосида «Асфер-Н» ва «Асглифер-РН» биостимуляторлари Андижон вилояти фермер хўжаликлари ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги

ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Фарғона илмий тажриба станциясининг жами 543,3 гектар ғўза майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 апрелдаги 04/032-268 маълумотномаси). Натижада, амалдаги «МАКСИТ-1» га нисбатан гектаридан кўшимча 2,8-3,2 ц, назоратга нисбатан эса 4,9-5,1 ҳосил олиш ва иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган;

ташки иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича монометаллик уч ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 2, гетеробиметаллик уч ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 3, гетеротриметаллик уч ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 4, тўрт ва ундан кўп ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 5 товар кодлари Давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 29 январдаги 1/16-038-сон маълумотномаси). Натижада, айрим монометаллик, гетеробиметаллик, гетеротриметаллик уч ядроли ҳамда тўрт ва ундан кўп ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилаларини синфлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 36 та, жумладан 15 та халқаро ва 21 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 62 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 5 таси халқаро журналларда нашр этилган. 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган ва 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ишнинг зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республикамиз фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Темир(III) асосидаги гетероядроли карбоксилатлар тадқиқоти ва синфланиши**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, темир(III) асосидаги карбоксилат


комплекс бирикмаларнинг синтези, уларнинг таркибини, тузилишини, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва амалиётда қўлланилиши муаммолари муҳокама қилинган. Мазкур гетеро полиядроли комплекслардаги парамагнит ионлар орасидаги ички молекуляр билвосита спинли ўзаро таъсирлашувлар бирикмага термодинамик барқарорлик, кинетик лабиллик, ноёб каталитик ва биологик фаоллик таъминлаши ҳолатлари муҳокама қилинган. Илмий адабиётлар таҳлили асосида ҳозиргача 100 га яқин темир(III) асосидаги уч ядроли гетерометаллик оксо-карбоксилат комплекслар олиниб, атрофлича тадқиқ этилган ва улар асосида замонавий техник талабларга жавоб берувчи, амалий аҳамиятга молик материаллар олиш имконияти мавжуд бўлсада, бу комплекс бирикмаларнинг биологик фаоллиги тизимли ўрганилмаган ва улар товар сифатида ишлаб чиқилмаганлиги тўғрисида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг «**Темир(III) асосидаги гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилатлар синтези, тузилиши ва хоссаларини ўрганиш (натижалар муҳокамаси)**» деб номланган иккинчи бобида қаттиқ ҳолатда ажратиб олинган 59 та умумий формуласи $[Fe^{+3}_2M^{2+}O(RCOO)_6L_3] \cdot nL$ (бу ерда $M = VO, Mn, Fe, Co, Ni, Cu$, ёки Zn ; $R = CH_3, C_2H_5, CH_2Cl, CH_2Br, CH_2I, CCl_3, C_5H_5NCH_2, CH_2(NH_2), CH_3CH(NH_2), (CH_3)_2CHCH(NH_2), (CH_3)_2CHCH_2CH(NH_2)$ ёки $n-Fc(CSNH_2)-C_6H_4$; $L = H_2O, C_5H_5N, C_7H_9N$, ёки C_9H_7N) бўлган гетерометаллик комплекс бирикмаларнинг синтез қилиш усуллари, уларнинг таркибини, тузилишини ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар муҳокама этилган.

Темир(III) асосидаги гетероядроли оксо-марказлашган карбоксилатларни синтез қилиш ва таркибини аниқлаш. Гетеробиметаллик оксо-марказлашган карбоксилатларини синтез қилишнинг кўпроқ қўлланиладаган усули, биз томонимиздан ишлаб чиқилган, карбон кислоталарнинг кальцийли тузи билан тегишли миқдорда олинган темир(III) ва $M(II)$ ионлари хлоридларининг ўзаро таъсир реакциясидир:



Оксо-марказлашган карбоксилатларининг металл ионларига координацияланган учта сув молекулалари бошқа электронодонор лигандларга алмашилиши мумкин:



Қаттиқ ҳолатда ажратиб олинган моддаларнинг тозаллиги юпқа қатламли хроматография методидида текширилиб, таркибидаги элементлар ёки ионлар миқдорлари: углерод ва водород - Либихнинг Прегль томонидан такомиллаштирилган микроанализ, азот - Дюма, галогенлар - аргентометрик титрлаш, перхлорат ион – нитрон билан чўктириб гравиметрик, темир(III), темир(II), кобальт(II), марганец(II), никель(II) ва рух ионлари – комплексонометрик ва аскорбинометрик титрлаш, атом абсорбцион спектрофотометрия методларидан фойдаланиб аниқланди. Олинган

модаларнинг таркиби уларнинг кимёвий формуласига мос келишини тасдиқлади.

Синтез қилинган гетеробиметаллик карбоксилатларнинг молекуляр тузилиши. Олинган оксо-марказлашган карбоксилатларининг баъзиларини монокристаллари ўстирилиб улар рентген-структур анализ методида тадқиқ этилди. $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Co}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{C}_5\text{H}_5\text{N})_3]$ таркибли комплекснинг кристалл элементар катакчасининг параметрлари аввал ўрганилган μ_3 -оксокластер тузилишли бирикма $[\text{Mn}^{3+}_2\text{Mn}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{C}_5\text{H}_5\text{N})_3]$ кристаллари параметрларига жуда яқин эканлигини кўрсатди (1-жадвал).


1-Жадвал. Пиридин- μ_3 -оксо-ацетатларнинг кристаллографик параметрларини таққослаш.

Кристаллографик параметрлар	Бирикма	
	$[\text{Fe}^{3+}_2\text{Co}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{C}_5\text{H}_5\text{N})_3]$	$[\text{Mn}^{3+}_2\text{Mn}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{C}_5\text{H}_5\text{N})_3]$
Панжара тури	Ромбоэдрик	Ромбоэдрик
Фазовий гуруҳи	$R\ 32$	$R\ 32$
Z	3	3
a	10.780(5) Å	10.794(4) Å
b	10.780(4) Å	10.794(4) Å
c	10.780(4) Å	10.794(4) Å
α	109.00(3) °	108.94(5) °
β	108.90(3) °	108.94(5) °
γ	108.88(3) °	108.94(5) °

$[\text{Fe}^{3+}_2\text{Co}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{C}_5\text{H}_5\text{N})_3]$ комплекснинг рентген структур анализ бўйича аниқланган тузилиши 1-расмда тасвирланган. Бирикманинг молекуласида иккита Fe^{3+} иони ва Co^{2+} деярли тенг томонли учбурчак ҳосил қилган. Учбурчакнинг марказидаги ва текислигидаги марказий оксид-ион учала комплекс ҳосил қилувчи металл ионларини боғлаб турувчи μ_3 -кўприкча вазифасини бажаради. Учала металл ионлари бир-бирига олти ацетат-ионларнинг карбоксил гуруҳлари воситасида ҳам боғланган. Металл ионининг энг яқин координацион ўрами октаэдр бўлиб, карбоксил гуруҳ кислородлари экваториал ўринларни эгаллаган. Ҳар бир октаэдрнинг марказий оксид-ионга қарама-қарши томонида нейтрал лиганд электрон донор атоми (айни бирикмада пиридиннинг азот атоми) координацияланган. Металл ионлари экваториал кислордлар текислигидан марказий кислород O13 томонга силжиган. Рентгенографик маълумотлардан молекуладаги гетерометалл – кобальтни иккита темир атомидан аниқ фарқлаш қийин, чунки $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Co}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{C}_5\text{H}_5\text{N})_3]$ учун бир хил бўлган Fe^{3+} - Fe^{3+} ва ҳар хил металл ионлари орасидаги масофалар мос равишда 3,358 ва 3,355 Å бўлиб бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Fe1, Fe2 ва Co1 атомларнинг ўзларини энг яқин атрофидаги кислородлар билан билан ҳосил қилган боғланиш


узунликлари ҳам деярли бир хил, яъни комплекс молекуласидаги темир ва кобальт ионлари кристаллографик жиҳатдан эквивалент.

Бунинг сабаби бир томондан таққосланувчи ионлар радиуслари қийматининг бир-бирига яқинлиги бўлса, иккинчи ва асосий сабаб - элементар катакчадаги учта молекула шундай жойлашганки, натижада гетерометалл - кобальт атоми Fe_2Co триадасининг учта позициясида статистик тенг тақсимланган ва дифракцион харитада фақат темирга ёки фақат кобальтга тегишли “доғ”ларни ўрнида учала ионнинг ўртачасига хос тасвир намоён бўлади. Шундай қилиб, ретген-структур анализ темир(III) асосидаги учадроли гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилатларнинг индивидуаллигини тўлиқ кўрсата олмайди. Шунинг учун бу бирикмаларни тадқиқ этишда магнетокимё, ЭПР-, ЯГР-, ИҚ-спектроскопия каби методларни қўллашга тўғри келади.



1-Расм. $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Co}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{C}_5\text{H}_5\text{N})_3]$ рентгенографик аниқланган структураси. Мураккаблаштирмалик учун водород атомлари кўрсатилмаган.

Умумий формуласи $[\text{Fe}^{3+}_2\text{M}^{2+}\text{O}(\text{RCOO})_6(\text{H}_2\text{O}_3)]$ бўлган оксо-маказлашган карбоксилатларнинг ҳисобланган структур параметрларига гетерометалл М ва радикал R табиатини таъсирини таҳлил қилиш мақсадида синтез қилинган гетеробиметаллик комплексларнинг молекуляр тузилиши квант-кимёвий ҳисобланди. Намуна сифатида 2-расмда $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Ni}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{H}_2\text{O}_3)]$ комплекснинг назарий ҳисобланган молекуляр структураси кўрсатилган.



2-Расм. $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Ni}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]$ комплекснинг квант-кимёвий ҳисобланган молекуляр структураси.

$[\text{Fe}^{3+}_2\text{M}^{2+}\text{O}(\text{RCOO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]$ умумий формулаи карбоксилатларнинг ҳисобланган структур параметрларининг таҳлили, уларнинг экспериментал ўлчанган катталиклардан кўп фарқ қилмаслигини кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, $\text{Fe}^{3+}_2\text{Fe}^{2+}$ триадали гомометаллик оксо-марказлашган ацетатнинг ҳисобланган структур параметрлари гетрометаллик $\text{Fe}^{3+}_2\text{M}^{2+}$ комплексларнинг тузилиш параметрларидан оз бўлса-да, лекин муҳим хулосалар чиқариш имконини берувчи фарқиятларга эга. Биринчидан, $\text{Fe}^{3+}_2\text{Fe}^{2+}$ триадали гомометаллик бирикмада гетрометаллик комплекслардан фарқли ҳолда $\text{Fe}-\text{O}_{\text{марк}}$ ядролараро масофаси ҳар учала позициялар учун деярли бир хил бўлиб $\sim 1,75 \text{ \AA}$ ни ташкил қилади, яъни бирикмадаги иккита Fe^{3+} ионлари учинчи Fe^{2+} ионидан фарқланмаслиги кузатилди. Гетрометаллик бирикмаларда эса $\text{Fe}-\text{O}_{\text{марк}}$ ва $\text{M}-\text{O}_{\text{марк}}$ боғ узунликлари мос равишда 1,76 ва 1,95 \AA . Иккинчидан, $\text{Fe}^{3+}_2\text{Fe}^{2+}\text{O}$ системасида марказий кислород атоми, деярли металл ионлари триадаси ташкил қилган учбурчак текислигида ётади. $\text{Fe}^{3+}_2\text{Fe}^{2+}\text{O}$ триадасида металл ионлари ҳосил қилган учбурчак текислиги ва марказий кислород атоми орасидаги торсион бурчак $\text{Fe}(4)-\text{Fe}(5)-\text{M}-\text{O}_{\text{марк}}$ 1,6 градусни ташкил қилса, бошқа гетрометаллик комплексларда эса турли бирикмалар учун бу кўрсаткич 9,1 дан то 18,0 градусгача қиймат қабул қилади.

Гомо- ва гетрометаллик оксо-марказлашган карбоксилатларнинг назарий тузилишидаги аниқланган ушбу фарқиятлар бирикмаларнинг

магнетохимёвий, ЯГР-спектроскопик, дериватографик тадқиқотларда кузатилган маълумотларга ва мос келади ва уларни физик-химёвий хусусиятларини назарий тасдиқлайди.

Fe_2MO системасини C_{2v} симметриясининг бузилган тригонал пирамидагача пасайиши марказий кислород атомининг боғланишда иштирок этмаган, тақсимланмаган электрон жуфтли тўртинчи sp^3 -гибрид орбитали туфайли юзага чиқади деб фараз қилиш мумкин. Назарий ҳисоблаш натижаларига кўра бу ҳодиса, яъни оксо-марказлашган карбоксилат молекуласи симметриясининг янада пасайиши, кўприкча вазифасини ўтовчи карбоксил гуруҳлари кислород атомлари ҳисобидан ҳам келиб чиқади. Ҳар хил таркибли оксо-марказлашган комплексларда карбоксил гуруҳ кислороди иштирокидаги диэдрал (торсион) бурчаклар $2,4^\circ$ дан то $32,8^\circ$ гача қиймат қабул қилади. Бу бурчакнинг қийматига гетерометалл М ва карбоксил гуруҳи R нинг табиати таъсир этади. Шунингдек таъкидлаш жоизки, комплекс симметриясининг янада пасайишига координацияланган сув молекулалари водородларининг ўзларига яқин турган карбоксил гуруҳи кислородлари билан водород боғланиш ҳосил қилиши ҳам сабаб бўлиши аниқланди.

Таъкидлаб ўтамузми, шу пайтгача, гетеробиметаллик μ_3 -оксо-карбоксилатлар экспериментал рентген структур тадқиқотларида юқорида кўрсатиб ўтилган марказий ва карбоксил гуруҳи кислород атом орбиталларининг sp^3 -гибридланиши ҳисобига, шунингдек гетерометалл М табиати ва ички молекуляр водород боғланишлар туфайли молекула симметриясининг пасайишига жиддий эътибор қаратилмаган. Ваҳоланки, мазкур моддаларнинг ИК спектрларидаги тавсифий (характеристик) ютиш соҳаларининг кўплаб чизикларга ажралиши сабабли сезиларли кенгайишини (20-бетга қаранг) ўрганилаётган бирикмалар молекулаларнинг симметрияси C_{2v} дан паст эканлигини ҳисобга олмасдан тушунтириш қийин.


Олинган гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилатларни магнетохимёвий методидида тадқиқ этиш. Синтез қилинган барча темир асосидаги гетерометаллик оксо-карбоксилатлар аномал магнит хоссаларга эга бўлиб, бирикмаларнинг бир парамагнит атомга ҳисобланган эффектив магнит моментлари хона ҳароратида «фақат спинли» қийматидан анча кичик ва температура (азотни айрим ҳолларда гелийни қайнаш температурасигача) пасайтирилганда, эффектив магнит момент янада кичиклашиб боради. Бу ҳолатни молекуладаги парамагнит металл ионлари орасида юзага келган антиферромагнетик алмашинув ўзаро таъсир билан тушунтирилди ва ушбу ўзаро таъсир энергиялари қийматини аниқлашда Гейзенберг-Дирак-Ван Флек (ГДВФ) моделидан фойдаланилди.

ГДВФ моделига кўра уч ядроли гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилат кластерлар учун ўзаро электрон алмашинув таъсирида бўлган $\text{Fe}^{3+}_2\text{M}^{2+}$ системанинг (3-расм) спин-гамильтониани (алмашинув гамильтониани) қуйидагича ифодаланади:

$$\hat{H}_{ij} = -2J_1 \hat{S}_1 \hat{S}_3 - 2J_2 (\hat{S}_1 \hat{S}_2 + \hat{S}_2 \hat{S}_3) \quad (1).$$

Бу ерда J_1 $\text{Fe}^{3+} - \text{Fe}^{3+}$ ионлари орасидаги алмашинув таъсирини ифодаловчи алмашинув параметри, J_2 эса $\text{Fe}^{3+} - \text{M}^{2+}$ орасидаги параметр. S – парамагнит ионнинг спини.


Тадқиқотларимизда спин-гамильтониан (1) параметрлари J_1 ва J_2 ларни қийматларини топиш алгоритмик дастури ҳар бир температурада моляр магнит қабулчанликнинг тажрибада ўлчанган ($\chi_M^{\text{эксп}}$) ва назарий ҳисобланган ($\chi_M^{\text{наз}}$) қийматлари орасидаги хатоликни минималлаштириш функционалини қўллашга асосланди.



3-Расм. $\text{Fe}^{3+}_2\text{M}^{2+}$ триадасидаги алмашинув параметрлари J_1 ва J_2 нинг белгиланиши.

$\text{Fe}^{3+} - \text{Fe}^{3+}$ ва $\text{Fe}^{3+} - \text{M}^{2+}$ орасидаги аниқланган алмашиниш параметрлари J_1 ва J_2 қийматларининг таҳлили карбон кислота аниони ўринбосари R ва лиганд L табиати гетерометаллик оксо-марказлашган комплекслардаги алмашинув ўзаро таъсирга бир оз таъсир этишини кўрсатади. Аммо, лигандлар хоссалари (масалан, карбон кислота pK_a ёки нейтрал лиганд pK_b қийматлари) ва алмашинув параметрлари орасида аниқ корреляция кузатилмади.

Алмашинув параметрларига гетерометалл иони M табиати барча омилларга кўра кучлироқ таъсир кўрсатиши кузатилди. $\text{Fe}^{3+} - \text{M}^{2+}$ орасидаги алмашинув ўзаро таъсирини ифодаловчи параметр J_2 куйидаги тартибда ортиб боради:



Демак, гетерометаллик μ_3 -оксо-карбоксилатларни идентификация қилишда алмашиниш параметри J_2 қийматини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Гетерометаллик оксо-карбоксилатларда электрон парамагнит резонанс. Тадқиқ этилаётган моддаларнинг ЭПР спектрлари хона ҳароратида кенг сигналдан иборат. Ҳарорат пасайган сари спектр шакли анча соддалашиб бориб, 4,2 К температурада битта озроқ асимметрик сигналга айланади. Спектр шаклининг ҳароратга кучли боғлиқлиги уч ядроли оксо-марказлашган кластерлардаги металл ионлари орасидаги ички молекуляр алмашинув ўзаро таъсир билан изоҳланади. ГДВФ моделига мувофиқ алмашинув ўзаро таъсири кўп сонли спин поғоналарни бир-биридан энергия жиҳатдан яқин бўлган поғоначаларга ажратиб юборади. Юқори ҳароратда молекулаларнинг кўпчилиги кўзғолган ҳолатларга ўтганлиги сабабли ЭПР спектр мураккаб тузилишга эга бўлиб, ҳарорат пасайган сари кўзғолган ҳолатларнинг спектрдаги улуши камайиб боради. 4,2 К да асосан энергия жиҳатдан энг пастки - асосий ҳолатга боғлиқ бўлган ЭПР-сигнал намоён бўлади. Гетерометаллик оксо-карбоксилатлар ЭПР спектрларида аниқланган g-факторлари қийматларини назарий таҳлил қилиш асосида уч ядроли

комплексларнинг асосий дублети спинлари қийматлари аниқланди. Шу асосда алмашиниш параметрлари J_1 ва J_2 қийматларининг нисбати баҳоланди.

Темир(III) асосидаги гетерометаллик карбоксилатларнинг ядро гамма резонанс спектрлари. Синтез қилинган гетерометаллик комплекслар таркибида мессбауэрли ядро – темир борлиги сабабли, уларнинг ЯГР спектрлари битта дублетдан иборат бўлиб, темир ядросининг кўзгалган ҳолатига хос квадрупол ажралиш (к.а.) қийматига эга. Дублетнинг изомер силжиш қиймати темир(III) ионларининг юқори спинли электрон ҳолатда эканлиғни кўрсатди. Спектрда бошқа ютиш чўққиларининг йўқлиги комплексдаги темир(III) ионларининг физик ва геометрик жиҳатдан эквивалент ҳолатда эканлигидан далолат беради ҳамда моддаларда бошқа темир тутувчи бирикмалар қўшилмалари йўқ эканлигини тасдиқлайди (гамма-резонанс спектрни ўлчаш методикаси 5 % дан кўп бўлган темирли қўшилма миқдорини аниқлаш имконини беради).

Температура 80 К гача пасайтирилганда фақат гомометаллик, арлаш окидланиш даражага эга $Fe_2^{3+}Fe^{2+}$ триадали бирикмаларнинг ЯГР спектрлари жиддий ўзгаришга учрайди. Бундай комплексларнинг азотнинг қайнаш температурасидаги ЯГР спектри иккита, дублетларнинг суперпозициясидан ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Темирнинг аралаш окидланиш даражали оксо-карбоксилатлари ЯГР-спектридаги температурага боғлиқ бундай қайтар ўзгариш, аввал таъкидлаб ўтилганидек, гомометаллик $Fe_2^{3+}Fe^{2+}$ триадали бирикмаларда, гетерометаллик моддалардан фарқли ҳолда, Fe^{2+} (d^6) ионининг олтинчи d электрони учала темир d^5 - d^5 - d^6 триадасида вақтли-фазоли делокализация бўлиш ҳодисаси асосида изоҳланади.

Комплекс таркибидаги гетерометаллнинг, карбон кислота анионининг ва нейтрал электронодонор лиганднинг табиати изомер силжиш (и.с.) нинг қийматига деярли таъсир этмаслиги кузатилди. Атом орбиталлар электрон булути зичлигининг ўзгаришига ЯГР спектрнинг бошқа параметри, яъни квадрупол ажралиш (к.а.) кўпроқ боғлиқ бўлгани учун квадрупол ажралиш қийматининг гетерометалл ўзгартирилганда сезиларли даражада ўзгариши кузатилди. ЯГР спектрнинг кадрупол ажралиши (к.а.) қиймати ва $M-O_{\text{марк}}$ боғланишнинг ионлилик даражаси орасида кузатилган тесқари пропорционал боғлиқлик $Fe_2^{3+}M^{2+}$ триададаги M^{2+} алмаштирилганда темир(III) ионларининг электрон қобиғи асимметрияси ўзгариши билан тушунтирилади.

Бир хил гетерометалли оксо-марказлашган комплексларда к.а. параметрининг $RCOO^-$ анион табиатига кўра ортиб бориш тартиби қуйидаги қаторга мос келди:




Бу қатор карбон кислота қолдиғи CH_2XCOO^- даги C-X боғланишнинг ионлилик даражасини ўзгаришига мос келади (X – водород ёки галоген атоми).

Уч ядроли оксо-марказлашган карбоксилатларнинг инфрақизил спектрлари. Синтез қилинган гетерометаллик карбоксилатларнинг ИҚ

спектрлари 450-4000 cm^{-1} интервалида ўлчанган³. Спектрларнинг кўриниши асосан $[\text{Fe}^{3+}_2\text{M}^{2+}\text{O}(\text{RCOO})_6\text{L}_3]$ комплексдаги карбоксил лиганд RCOO^- ва нейтрал электрон донор лиганд L табиатига боғлиқ. 4-расмда $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Ni}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ нинг 450-4000 cm^{-1} интервалда ўлчанган ИҚ спектри кўрсатилган.

Бир хил лигандли комплекслар ИҚ спектрларининг бир-бирига ўхшашлиги бирикмаларнинг изоструктур эканлигини кўрсатади. 1720-1760 cm^{-1} соҳада "кислороди боғланмаган" карбонил гуруҳи $>\text{C}=\text{O}$ валент тебранишига хос ютиш чўққисининг йўқлиги ва унинг ўрнига бироз кичик тўлқин сонлар томонда карбоксил гуруҳ $-\text{COO}^-$ нинг симметрик ва ассиметрик валент тебранишларига мос келадиган, интенсивлиги кучли чўққиларнинг 1400 ва 1560 cm^{-1} атрофида намоён бўлиши гетерометаллик оксо-ацетатларнинг μ_3 -оксо-кластер тузилишга эга эканлигини тасдиқлайди.



4-Расм. $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Ni}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ нинг ИҚ спектри.

Молекуладаги гетерометалл M иштирокидаги тебранишлар ИҚ спектрнинг умумий кўринишига жуда кучсиз таъсир қилади ва буни, ҳатто, изотоп силжиш методидан фойдаланиб ҳам илғаб олиш қийин. Бу муаммони ҳал этиш учун биз синтез қилинган гетерометаллик карбоксилат комплексларнинг тебраниш спектрларини квант-кимёвий ҳисоблаш методи ёрдамида ҳисоблаб чиқарилди ва экспериментал ўлчанган спектрларга таққосланди. Ҳисоблашлар “Gaussian 09W” дастурий тўпламидаги зичлик функционал назариясининг DFT/B3LYP гибрид методи ёрдамида 3-21G базисини қўллаган ҳолда амалга оширилди.

Тадқиқ этилган моддаларнинг назарий ҳисобланган ва экспериментал ўлчанган ИҚ спектрлари натижаларларини таҳлили уларнинг бир-бирига деярли мос келишини кўрсатди.

Бирикмаларнинг индивидуаллигини аниқлашда, масалан товар сифатида сертификатлашда $\omega(\text{Fe}_2\text{MO})$, $\nu(\text{M}-\text{O}_{\text{карб}})$, $\nu(\text{M}-\text{O}_{\text{марк}})$ ва $\nu_{\text{ас}}(\text{Fe}_2\text{MO})$ тебранишларига мос келадиган ютилиш диапазонлари муҳим аҳамиятга эга.

³ Муаллиф бирикмаларнинг ИҚ спектрларини ўлчашда яқиндан ёрдам бергани учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси марказий илмий лабораторияси бошлиғи, кимё фанлари номзоди, доцент Б.Й.Абдуғаниевга самимий миннатдорлик билдиради.

Масалан, никель сақлаган $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Ni}^{2+}\text{O}(\text{CH}_2\text{XCOO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]$, бу ерда $\text{X} = \text{H}, \text{Cl}$ ёки Br бўлган оксо-карбоксилатлар учун $\nu(\text{M}-\text{O}_{\text{марк}})$ тебраниши мос равишда 664, 678 ва 680 см^{-1} да кузатилади. Ҳисобланган спектрдаги кўрсатилган ютиш соҳаларининг максимумлари мос равишда 647, 661 ва 671 см^{-1} да жойлашган.

Назарий ҳисоблашларнинг кўрсатишича, кўприкча вазифасини бажарувчи карбоксил гуруҳларининг $\nu_s(\text{COO})$ симметрик тебранишига мос келадиган чўққининг молекула симметриясининг пасайиши ҳисобига парчаланиши ацетат комплекслар ҳолатида кучлироқ кузатилади. Шунинг учун оксо-ацетатларнинг экспериментал ўлчанган ва ҳисоблаган спектрида, галогенацетатлардан фарқли ўлароқ, 1348-1460 см^{-1} оралиғида олти ацетат лигандларнинг ҳар бирининг алоҳида $\nu_s(\text{COO})$ тебранишларига тегишли интенсивлиги юқори бўлган ўзаро яқин бир неча максимумлари кузатилди.

Экстинкцияси энг юқори чўққилар учун $\Delta\nu = \nu_{\text{ас}}(\text{COO}) - \nu_s(\text{COO})$ ацетатлар, хлороацетатлар ва бромоеацетатлардаги фарқ мос равишда 163, 206 ва 201 см^{-1} ни ташкил қилади. Экспериментал ўлчанган спектрлар учун бу фарқ мос равишда 144, 207 ва 205 см^{-1} га тенг.

Шундай қилиб, квант-кимёвий ҳисоблашлар гетерометаллик оксо-карбоксилатларнинг ИҚ спектрларида кузатилган барча ютилиш соҳаларини бирма-бир изоҳлашга имкон берди ва ўрганилаётган гетеробиметаллик карбоксилат комплекслари μ_3 -оксокластер тузилишига эга эканлигини тасдиқлайди.

Темир(III) асосидаги гетеробиметаллик μ_3 -оксо-карбоксилатларнинг дериватографик анализи. Темир(III) асосидаги гетерометаллик оксо-карбоксилат комплексларнинг таркибини, термодинамик барқарорлигини ва кинетик лабиллигини ўрганиш мақсадида олинган бирикмалар динамик ва квазиизотермик дериватография методларидан фойдаланиб тадқиқ этилган.

Барча гетероядроли комплексларнинг термолизи 90 - 350 °С температура оралиғида содир бўлиб, бир неча босқичдан иборат. Биринчи босқичда комплекс бирикмадан ташқи сферадаги кристаллизацион молекулалар ажралиб чиқади. Бу босқичнинг термодинамик ва кинетик параметрларига гетерометалл М нинг табиати деярли таъсир этмаслиги аниқланди. Гетерометалл М нинг табиати кутилгандек комплекс термик парчаланишнинг иккинчи босқичи параметрларига сезиларли даражада таъсир этиши кузатилди.

Аква-ацетат комплекслар термолизининг иккинчи босқичи (110-170 °С) маҳсулотларининг кимёвий ва масс-спектрометрик анализи натижаларига кўра, куйидаги реакция тенгламаси билан ифодаланиши аниқланди:



4-жадвалда гетероядроли ацетатларнинг бу босқичда термик парчаланиш кинетикаси кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвалда келтирилган фаолланиш энергиясининг E_a ва экспоненциал олди кўпайтувчиси А қийматларини таҳлили тадқиқ этилган аква-ацетат комплексларни кинетик барқарорлиги бўйича $\text{Ni} > \text{Co} > \text{Mn} \approx \text{Fe}$ қаторига жойлашишини кўрсатади.

4-Жадвал. $[\text{Fe}_2^{+3}\text{M}^{+2}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ таркибли гетероядроли аква-ацетатларнинг иккинчи босқич термолизининг кичраювчи сфера механизми тенгламаси бўйича кинетик параметрлари.


№	M	E_a , кЖ/моль	$\lg A$	Парчаланиш даражаси интервали α , %
1	Ni	$42,4 \pm 2,4$	$19,8 \pm 1,0$	8 - 81
2	Co	$40,0 \pm 0,4$	$18,9 \pm 0,5$	5 - 53
3	Mn	$31,3 \pm 2,2$	$14,2 \pm 1,0$	16 - 90
4	Fe	$30,8 \pm 0,4$	$13,9 \pm 0,4$	9 - 86

Q-дериватограф квазиизотермик режимда гетерометаллик аква-оксо-ацетатларнинг квази-режимдаги иккинчи босқич термик парчаланиш жараёни температураси қийматига кўра аниқланган термодинамик барқарорлиги ҳам гетерометалл табиатига боғлиқ бўлиши ва кинетик барқарорлик қаторига мос келиши кузатилди. Таъкидлаш жоизки, аниқланган бу қаторлар юқорида баён қилинган магнетохимий ва ЯГР спектроскопик тадқиқотларда кузатилган гетерометалл M таъсирида алмашиниш параметри J_2 ва квадрупол ажралиш к.а. қийматларининг ўзгариш қатори билан мос келади.

Кимёвий анализ натижаларига кўра синтез қилинган моддалар айримларининг ташқи сфераларида кристаллизацион молекулалари бўлиши керак деб фараз қилинган. Дериватографик тадқиқотлар бу тахминни тўғри ёки нотўғрилигини узил-кесил аниқлашга имкон берди. Ҳақиқатдан ҳам таркибида кристаллизацион молекулалари бор деб фараз қилинган моддаларнинг термик парчаланиши бошқа бирикмаларга нисбатан пастроқ (100°C) ҳароратда бошланиб унча юқори бўлмаган ҳароратда (140°C) тугайди ва ташқи сфера молекулаларини комплексдан ажралиб чиқишини ифодалайди.

6-расмда, мисол сифатида, комплекс ташқи сферасида кристаллизацион молекуласи бўлмаган ва бўлган гетерометаллик пиридин ацетат комплекслар дериватограммалари кўрсатилган.

Гетерометаллик карбоксилат комплексларнинг ҳаво атмосферасидаги термик парчаланишининг якуний босқичи экзотермик бўлиб, ўзаро бир-бирига қопланган қатор мураккаб жараёнлардан иборат эканлиги кузатилди. Дифракцион рентгенография, ЯГР-спектроскопия ва магнетометрия усулларини қўллаган ҳолда, гетерометаллик карбоксилат комплекс бирикмаларининг термик парчаланишининг охири ($T_{\text{охир.}} = 350^\circ\text{C}$) қаттиқ маҳсулотлари темир(III) ва M(II) оксидларнинг механик аралашмаси емас, балки юқори частотали техникада магнитли диэлектриклар ва ахборот ташувчи материаллар сифатида кенг қўлланилувчи, юқори сифатли монодисперс, Fe_2MO_4 таркибли шпинелсимон ферритлар эканлиги аниқланди. Шу асосда шпинел типидagi ферритлар ишлаб чиқаришнинг юқори самарали паст ҳароратли усули яратилди.



6-Расм. $[\text{Fe}_2\text{MO}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{C}_5\text{H}_5\text{N})_3] \cdot n\text{C}_5\text{H}_5\text{N}$ таркибли комплексларнинг дериватограммалари: а – $\text{M}=\text{Mn}$, $n=0$; б – $\text{M}=\text{Ni}$, $n=1$. Очиқ керамик тигель; $m=100$ мг; 2,5 град/мин.

Уч ядроли оксо-карбоксилатлар эритмаларининг электр ўтказувчанлиги. 3d металллар μ_3 -оксо-карбоксилат комплексларининг пиридин, хинолин, лутидин, диметилформаид ва сув эритувчиларидаги электр ўтказувчанлигини аниқлаш мазкур бирикмаларни икки гуруҳга бўлиш мумкинлигини кўрсатди. Биринчи гуруҳни гетерометаллик ацетат, монохлорацетат ва трихлорацетатлар ташкил қилиб, улар кўрсатиб ўтилган органик эритувчилардаги эритмалари электр токини ўтказмаслиги кузатилди. Бу гуруҳ комплекс бирикмаларнинг турли хил органик эритувчилардаги моляр ўтказувчанлик қиймати $1 \cdot 10^{-5} - 1 \cdot 10^{-2}$ мол/л концентрация диапазонида $2 \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{мол}^{-1} \cdot \text{см}^2$ катта эмаслиги аниқланди. Гетероядроли ацетатлар моляр ўтказувчанлигининг бундай паст қийматга эга эканлиги, уларнинг электролитмаслигини ва етарлича тоза эканлигини билдиради ва ўлчанган кўрсаткичлар мазкур бирикмаларни сертификатлашда қўллаш тавсия этилади.

Иккинчи гуруҳга монобромацетатли $[\text{Fe}_2\text{MO}(\text{CH}_2\text{BrCOO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]$ ва моноиодацетатли $[\text{Fe}_2\text{MO}(\text{CH}_2\text{IOO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]$ ва барча аминокислотали комплекс бирикмалар (бу ерда: $\text{M}=\text{Mn}$, Fe , Co , Ni , Cu ёки Zn) киради. Ушбу бирикмаларнинг пиридинли ва хинолинли эритмалари аномал юқори электр ўтказувчанлик намоён қилади. Гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилатлар учун кутилмаган, бундай юқори электр ўтказувчанлик комплексдаги нафақат металл ионларининг балки монобромацетат- (ёки моноиодацетат-) лигандлар галоген алкил гуруҳларининг азотли гетероцикл билан реакцияга киришиши ва ҳосил бўлган маҳсулотнинг диссоцияланиши билан изоҳланди.

Шундай қилиб, олиб борилган кондуктометриқ тадқиқотлар, барча ўрганилган уч ядроли гетеробиметаллик карбоксилат комплекс бирикмалар эритма ҳолатида етарлича барқарор деган хулосага келишга имкон берди.

«Синтез қилинган карбоксилатларни амалиётда қўллаш имкониятларини тадқиқ этиш, уларни товар сифатида ишлаб чиқиш ва синфлаш» деб номланган III бобда темир(III) асосидаги гетерометаллик μ_3 -оксо-карбоксилатларнинг электротехникада кенг қўлланилувчи шпинельсимон ферритлар ишлаб чиқаришда бошланғич моддалар эканлигини, қишлоқ хўжалиги экинлари жумладан ғўзани ўстирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи ҳамда ғўштдор жўжаларни боқишда биостимуляторлар сифатида қўлланилишини кўрсатиб берувчи, шунингдек уларни товар сифатида ТИФ ТН қоидаларига биноан синфлаш борасидаги тадқиқотлар натижалари баён қилинган.

Темир(III) асосидаги гетерометаллик оксо-ацетатлар юқори сифатли шпинельсимон ферритлар ишлаб чиқаришнинг хом ашёси эканлиги. Термик анализ, рентген дифрактография, ЯГР-спектроскопия ва магнетометрия методлари билан олиб борилган тадқиқотлар синтез қилинган барча темир(III) асосидаги гетерометаллик μ_3 -оксо-карбоксилатлар орасида $[\text{Fe}_2\text{MO}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ таркибли аква-ацетат комплекслар ферритлар олиш учун энг қулай ва арзон хом ашё эканлигини кўрсатди. Ферритларни синтез қилишнинг мақбул шароитларини аниқлаш учун ҳар хил ҳарорат ва вақтларда гетерометаллик аква-ацетат комплексларининг термолизи ўрганилди. Олинган кукунларнинг магнит хусусиятларини (H_c ва σ) ўлчаш бирикмаларни 400-450 °С да 20-90 минут давомида термик ишлов бериш такрорланувчан хусусиятларга эга, кераксиз ва халақит берувчи қўшилмалардан холи, монодисперс шпинельсимон феррит кукунларининг ҳосил бўлишини кўрсатди. Шу асосда ферритларни ишлаб чиқаришнинг паст ҳароратли, самарадор усули ишлаб чиқилди (А. с. СССР № 1352761 15.07.1987).

Гетерометаллик оксо-карбоксилатларни қишлоқ хўжалиги экинларига биостимуляторлик таъсири. Дастлаб, барча синтез қилинган сувда эрувчан темир(III) асосидаги гетерометаллик оксо-карбоксилатларнинг лаборатория шароитида экинлар уруғларининг, жумладан чигитнинг униш энергияси ва унувчанлигига таъсири ўрганилди. Бу моддалар орасида энг яхши биостимуляторлик хоссасини намоён этган, шартли товар номи «Асфер-Н» бўлган $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Ni}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ва «Асглифер-РН» деб номланган $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Ni}^{2+}\text{O}(\text{GLy})_6(\text{H}_2\text{O})_3]$ билан $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Zn}^{2+}\text{O}(\text{GLy})_6(\text{H}_2\text{O})_3]$ комплексларнинг эквимоляр миқдордаги аралашмасининг 0,01 %-ли сувли эритмалари ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Шу мақсадда, аввал (2017-2019 йилларда) Ўзбекистон пахтачилик селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) Фарғона филиали синов майдончаларида, кейинчалик (2018-2020 йилларда) Андижон вилояти Марҳамат туманидаги “Муҳаммадусмон орзуси”, “Рўзматали Ҳамраев ерлари”, Жалакудук туманидаги “Ҳумо”, “Тўрамқўрғони издошлари”, “Қорапўлат тонги”, “Қашқаробод даласи”, “Мўжиза сарчашмаси” фермер хўжаликларининг жами 543,3 гектар пахта майдонида дала синов тажрибалари ўтказилди.

Ғўзага шоналаш даврида «Асфер-Н» ва «Асглифер-РН» препаратларининг 0.01%-ли сувли эритмаси 100 л/га миқдорида пуркалиб ишлов берилганда ҳар иккала препаратлар турли йилларда ғўзанинг ривожланишига деярли бир хил таъсир этиб, уларнинг ўртача бўйи назоратга (сув) нисбатан 5,5-6,3 см (2,6-3,7 %) га ўсиши, ғўза ҳосил шохининг ўзгариши 19-23 % га, ҳосил элементлари сони 19.1-23,1 % га, етилган кўсақлар сони 5.2-13.5% га юқори натижа намоён қилган.

Текширилаётган препаратларнинг ҳосилдорликга таъсирини таҳлил қилинганда битта очилган кўсақдаги етилган пахтанинг ўртача вазни назоратда 4.4-4,8 г ни, «Асфер-Н» ва «Асглифер-РН» препарати билан ишлов берилган вариантларда 4,7-5,1 г ни ташкил қилиши аниқланган ва назорат-сувга нисбатан ҳосилдорликни гектаридан 4.9 дан 5.1 центнергача ошириб, умумий ҳосил ер унумдорлигига кўра 35.9 - 40.6 ц/га ни ташкил қилган.

Таъкидлаш жоизки, амалиётда қўлланилиш учун таклиф этилаётган янги «Асфер-Н» ва «Асглифер-РН» биостимуляторлари сувли муҳитда биоген металллар – темир, никель, рухнинг тузлари билан натрий ацетати ёки глицинати (аминоацетати) билан реакцияси натижасида, деярли бир босқичда осон синтез қилинадиган захарсиз, экологик зарарсиз таннархи арзон комплекс бирикмалардир. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 1 кг «Асфер-Н» стимуляторининг таннархи ўртача 60000 сўмни ташкил этса, «Асглифер-РН» шунча миқдорини олиш учун (натрий глицинат ацетатга нисбатан нархи юқори) 100000 сўм атрофида сарфланади. Аммо, «Асглифер-РН» препаратини реакцион аралашмадан «Асфер-Н» каби, қаттиқ ҳолатда ажратиб олиш талаб этилмайди. Бу унинг амалиётда қўлланилиш технологиясини осонлаштиради.

Бундан ташқари, синалувчи «Асфер-Н» ва «Асглифер-РН» препаратлари қўлланилган вариантда таркибида темир сақлаган энг самарали биостимулятор “МАКСИТ-1” билан ишлов берилган вариантга нисбатан 2,8-3,2 ц/га қўшимча ҳосил олиниб, юқорида номлари келтирилган фермер хўжалиқларининг жами 540.3 га пахта майдонидан 1010,5 млн сўм иқтисодий самарадорликка эришилган ҳамда рентабеллик даражаси 18-20 фоизга тенг бўлди.

Гетерометаллик оксо-карбоксилатларни гўштдор жўжаларни боқишда стимулятор сифатида қўллаш. биологик фаоллиги юқори бўлган айрим гетерометаллик оксо-карбоксилатларнинг жўжаларнинг тирик вазнини ортишига таъсирини ўрганилди. Синов-тажрибалари Фарғона вилояти Фарғона туманидаги “Аввал насли парранда” ва шу вилоят Қувасой шаҳридаги “Дўстлик” номли паррандачилик фермер хўжалиқларида амалга оширилди.

Тирик вазни деярли бир хил бўлган янги очилган бройлер жўжалар ҳар бири 10 та жўжадан иборат 13 гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ жўжалари (назорат гуруҳи) омухта ем аралашмаси (комбикорм) билан 6 ҳафта давомида озиклантирилди. Иккинчи гуруҳ жўжалари (эталон гуруҳи) омухта емини 1 килограммига 1 мл “Бутамин-О” биостимулятори қўшиб берилди. Қолган 11 та гуруҳ жўжалари шу мудатда, параллел равишда омухта ем

аралашмасининиг ҳар бир килограммига 0.01-0.10 миллимоль ҳисобида комплекс бирикмалар қўшилган ем билан боқилди.

Иккала паррандачилик фермер хўжаликларида ўтказилган тажрибаларидан олинган натижалар таҳлили синалувчи комплекс бирикмаларнинг барчаси назоратга (сув) ва эталонга (бутамин-О) нисбатан паррандалар тирик вазнини оширишда юқори стимуляторлик таъсир этишини кўрсатди. Комплекс бирикма $[\text{Fe}^{3+}_2\text{Mn}^{2+}\text{O}(\text{CH}_3\text{COO})_6(\text{H}_2\text{O})_3]\cdot 2\text{H}_2\text{O}$ мисолида, янги биостимуляторларнинг 1 кг омухта емга қўшиладиган миқдори 0,01 ммолдан (6,27 мг) 0,10 ммолгача (62.7 мг) қўшилиб ўтказилган тажрибалар жўжалар омухта емига қўшилиши керак бўлган комплекс бирикманинг оптимал миқдори 0.05 ммоль (31,35 мг) эканлиги аниқланди. Янги биостимулятор шу миқдордан кам қўшилганда жўжалар тирик вазнини ортиши камайди, ундан юқорида эса – деярли ўзгармади.

Иккала паррандачилик фермер хўжаликларида синалган 8 та темир(III) асосидаги гетерометаллик ацетат ва глицинат комплекс бирикмалар орасида таркибида марганец ва рух сақлаган «Асфер-М», «Асглифер-М» ва «Асглифер-Р» моддалар жўжалар тирик вазнини оширишга энг кучли таъсир этиши аниқланди. Янги «Асфер-М», «Асглифер-М» ва «Асглифер-Р» биостимуляторлари жўжалар тирик вазнини назоратга нисбатан, мос равишда 9,1-10,2 %, 9,6-10,9 % ва 8,7-9,2 %-га оширса, эталонга нисбатан 4.8-6,0 %, 5.3-6,3 % ва 4,4-4,7 %-га кўпайтириши аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотларимиз давомида эришган илмий-амалий натижаларини паррандачиликда қўллаш соҳанинг самарадорлигини сезиларли даражада ортишига олиб келишини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги томонидан Вазирликнинг 2021 йил 17-мартдаги 04/032-1149 сонли Маълумотномасида тасдиқланди.

Темир(III) асосидаги гетеробиметаллик оксо-марказлашган карбоксилатларни синфлаш. Гетеробиметаллик оксо-марказлашган комплексларнинг биологик фаоллиги нафақат ғўза ўсимлиги, балки, бошқа ўсимликларнинг ўсишига, ҳосилдорлигини ортишига ижобий таъсир этиши исботланди. Бундан ташқари, бу бирикмалар қўшилган озуқа билан боқилган жўжаларнинг тирик вазнини ортиши аниқланган. Шунингдек, синтез қилинган карбоксилатларнинг айримлари ахборот сақловчи ва юқори частотада ишловчи техникада қўлланилувчи магнит материаллар, яъни ферритлар ишлаб чиқаришда самарали хом ашё сифатида фойдаланилади. Бундан ташқари бу бирикмалар газлар ва органик моддаларнинг кучли адсорбентлари ҳамда сақловчилари, истиқболли катализаторлар ишлаб чиқаришнинг хом-ашёси бўлиши исботланган. Шунинг учун гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилатларни фақатгина биостимулятор сифатида Ташқи иқтисодий фаолият Товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича синфлаш уларнинг бошқа товар хусусиятларини инкор қилинишига олиб келади.

Шуларни иноботга олиб синтез қилинган оксомарказлашган карбоксилат комплекслар кимёвий таркиби асосида синфланиб, уларга ташқи иқтисодий

фаолият товарлар номенклатураси бўйича қуйидаги товар код рақамлари таклиф этилди:

- монометаллик уч ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 2;

- гетеробиметаллик уч ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 3;

- гетеротриметаллик уч ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 4;

- тўрт ва ундан кўп ядроли ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 5.

Таклиф этилган код рақамлари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Божхона экспертизаси ва ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш бошқармаси томонидан амалиётга жорий этилди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг 2021 йил 29 январдаги 1/16-038-сон маълумотномаси олинган.

Диссертациянинг «Экспериментал қисм» деб номланган IV бобида гетеробиметаллик оксо-марказлашган карбоксилатларни синтез қилиш учун зарур бўлган реактивлар тавсифланиб, моддаларнинг синтез қилиш методикалари баён қилинган. Ҳар бир олинган бирикманинг таркибий ва спектроскопик тавсифлари келтирилган. Синтез қилинган комплекс бирикмаларни тадқиқ этиш усуллари ва методикалари ёритилган.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидагича умумий хулосалар шакллантирилган:

1. Аралаш оксидланиш даражали гетерометаллик уч ядроли карбоксилат комплекслар синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилиб уларни ажратиб олишнинг оптимал шароитлари аниқланди.

2. Умумий формуласи $[Fe^{+3}_2M^{2+}O(RCOO)_6L_3] \cdot nL$ бўлган 59 та оксо-марказлашган карбоксилатлар синтез қилиниб, илк бор янги полиядроли комплекс бирикмалар - темир(III) асосидаги уч ядроли аралаш оксидланиш даражали гетерометаллик оксо-марказлашган карбоксилатлар синфига асос солинди.

3. Синтез қилинган гетерометаллик оксо-карбоксилатларнинг таркиби, тузилиши ва хоссалари кимёвий анализ, атом-абсорбцион спектрофотометрия РСА, магнетокимё, ЭПР-, ЯГР-, ИҚ-спектроскопия, масс-спектрометрия, дериватография, кондуктометрия усулларида тадқиқ этилиши натижасида уларнинг μ_3 -оксокластер тузилишга эга эканлигини тасдиқлади.

4. Гетерометаллик μ_3 -оксо-карбоксилатларнинг молекуляр тузилиш параметрлари квант-кимёвий ҳисобланиб, ўлчанган РСА натижаларга таққослаш уларнинг бир-бирига деярли мос келишини кўрсатди.

5. Олинган оксо-карбоксилатларнинг магнит қабулчанлигини 78-300 К (айрим ҳолларда 1.27-300 К) температура оралиғида ўлчаш ва натижаларни ГДВФ методини қўллаб назарий таҳлил қилиш комплекс бирикмадаги

парамагнит ионлар орасида ички молекуляр антиферромагнит алмашилиш таъсирлашувлар мавжудлиги кўрсатди ва моддаларинг μ_3 -оксокластер тузилишга эга эканлигини тасдиқлади. Антиферромагнетик алмашилиш параметрлари қийматига лигандлар RCOO^- ва L табиатига нисбатан гетерометалл M табиати кучли таъсир этиши аниқланди.

6. Гетерометаллик оксо-карбоксилатларнинг 4,2-300 К оралиғида ўлчанган ЭПР спектрлари шаклининг температурага кучли боғлиқлиги ва мураккаблиги комплекс бирикма парамагнит ионлари орасидаги ичкимолекуляр алмашилиш ўзаро таъсири мавжудлиги билан изоҳланди.

7. ЯГР спектроскопик тадқиқотлар асосида гетерометаллик μ_3 -оксо-карбоксилатлардаги Fe^{3+} ионлари октаэдрик ўрамда, юқори спинли ҳолатда эканлиги кўрсатилди. Квадруполь ажралиш қийматига гетерометалл ва лигандлар табатининг таъсир этиш механизми изоҳланди. $\text{Fe}^{3+}_2\text{Fe}^{2+}$ триадали карбоксилатларда Fe^{2+} ионининг олтинчи d электрони учала темир $d^5-d^5-d^6$ триадасида делокализацияланиши аниқланди.

8. Синтез қилинган гетерометаллик карбоксилатларнинг ИҚ спектрлари илк бор тебраниш спектрларни квант-кимёвий ҳисоблаш методини қўллаб тўлиқ изоҳлаш асосида бирикмаларнинг изоструктурлиги ва μ_3 -оксокластер тузилишга эга эканлиги кўрсатилди.

9. Уч ядроли гетерометаллик оксо-карбоксилатларни дериваторафик ва кондуктометрик анализ усулларида тадқиқ этиш моддаларнинг каттик ҳолатда ва эритмада барқарорлигини кўрсатди; гетерометалл M табиатининг моддалар термодинамик барқарорлигига таъсир этиш қатори магнетокимёвий ва ЯГР спектроскопик тадқиқотларда аниқланган шундай қаторларга мос келиши аниқланди.

10. Темир(III) асосидаги гетерометаллик оксо-ацетатларини термик парчалашга асосланган юқори самарали шпинельсимон феррит олишнинг паст темературали усули ишлаб чиқилди.

11. Лаборатория шароитида сувда яхши эрувчан Fe(III) асосидаги гетерометаллик карбоксилатлар эритмаларининг чигитни униш энергияси ва унувчанлигига таъсири ўрганилди. Энг яхши биостимуляторлик таъсирга эга, шартли «Асфер-Н» ва «Асглифер-РН» деб номланган препаратлар ғўзани ўсишига ижобий таъсир этиши аниқланди ва Қишлоқ хўжалиги амалиётига тавсия этилди.

12. Гетерометаллик карбоксилатлар орасида таркибида темир билан биргаликда марганец ва рух сақлаган «Асфер-М», «Асглифер-М» ва «Асглифер-Р» моддаларнинг жўжалар озукасига қўшиб боқилганда уларнинг тирик вазнини 6 ҳафта давомида 8,7-10,9 % га ортиши кўрсатилди. Ушбу янги стимуляторларни паррандачиликда қўллаш соҳа рентабеллигини сезиларли ошириш мумкинлиги кўрсатилиб, паррандачилик хўжалигида амалиётга тадбиқ қилиш учун тавсия этилди.

13. Темир(III) асосидаги гетеробиметаллик карбоксилатлар товар сифатида ТИФ ТН қоидаларига биноан кимёвий таркибига кўра куйидагича синфланди ва товар кодлари ажратилди: монометаллик уч ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун -

2915 90 000 2; гетеробиметаллик уч ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 3; гетеротриметаллик уч ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 4; тўрт ва ундан кўп ядроли ядроли оксомарказлашган карбоксилат комплекслар ва уларнинг ҳосилалари учун - 2915 90 000 5. Таклиф этилган код рақамлари Давлат божхона кўмитасига амалиётда қўллаш учун тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ
СТЕПЕНИ DSC.03/30.12.2019.К/Т.04.02. ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУЛЛОЕВ ШАХОБИДИН ХАСАНБОЕВИЧ

**НЕКОТОРЫЕ ГЕТЕРОМЕТАЛЛИЧЕСКИЕ БИОЛОГИЧЕСКИЕ
АКТИВНЫЕ КАРБОКСИЛАТНЫЕ КОМПЛЕКСНЫЕ СОЕДИНЕНИЯ
НА ОСНОВЕ ЖЕЛЕЗА(III) И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**

02.00.09 - Химия товаров

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ХИМИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована под номером B2021.1.DSc/K102 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Андижанском Государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Аскарлов Иброҳим Рахмонович доктор химических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Махсумов Абдухамид Гафурович доктор химических наук, профессор Умаров Бако Бафоевич доктор химических наук, профессор Зиядуллаев Одилжон Эгамбердиевич доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет

Защита состоится «__» _____ 2021г. в «___» часов на заседании Разового Научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте по Адресу: 100011, г. Ташкент, ул. Навоий дом. 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: info@tcti.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (регистрационный номер № ____). (по адресу 100011, г.Ташкент, ул. Навоий дом. 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: info@tcti.uz).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года.
(протокол рассылки № ____ от ____ _____ 2021 г).

Х.Л. Пулатов

Председатель разового Научного совета по
присуждению учённых степеней,
д.х.н., профессор

Ф.Б. Игитов

Ученый секретарь разового Научного совета
по присуждению учённых степеней, (PhD)
доктор философии по химическим наукам, доцент

К.М.Каримкулов

Заместитель председателя научного семинара
при разовом Научном совете по присуждению
учённых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Быстрый рост численности населения в мире приводит к резкому увеличению спроса на продукты питания. Это требует создания новых экологически безопасных, безвредных для человеческого организма биологически активных веществ, повышающих продуктивность растений, живой массы скота, птицы и, их применения в области сельского хозяйства. В связи с этим синтез новых веществ, содержащие железо и другие биогенные ионы металлов, обладающие биостимулирующими свойствами и их внедрение, приобретает важное значение.

В мире ведутся научные исследования по получению биологически активных соединений на основе комплексных соединений, обеспечивающих сельское хозяйство высокоэффективными биостимуляторами. В связи с этим уделяется особое внимание разработке эффективных методов получения карбоксилатных комплексов, содержащих железо и другие микроэлементы, положительно влияющих на рост живых организмов; их классификацию на основе гармонизированной системы всемирной таможенной организации; обоснованию влияния природе металлов в этих комплексных соединениях, их строения и электронных переходов металл-металл на биологическую активность и физико-химические свойства этих веществ.

Применяются обширные меры по внедрению инновационных методов по синтезу биологически активных веществ, используемых в сельском хозяйстве страны. Достигнуты определенные научные и теоретические результаты по синтезу и практическому применению биологически активных веществ на основе ряда комплексных соединений. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи, направленные на «... дальнейшее совершенствование осуществления экспортно-импортных операций, сокращение времени регистрации, количества необходимых документов и затрат»⁴. Поэтому, в этом направлении, в частности, проведение исследований по синтезу биологически активных препаратов, содержащих железо и другие биогенные металлы, на основе трехъядерных гетерометаллических оксо-центрированных карбоксилатных комплексов железа(III) с использованием местного сырья, классифицирование их по химическому составу является одной из актуальных проблем.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, поставленных указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 12 апреля 2017 года «О мерах по совершенствованию структуры управления АО «Узкимёсаноат» № ПП-2884, 2018 г., постановлением Правительства Республики Узбекистан от

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

25 октября 2013 г. № ПП-3983 «О мерах по ускорению разработки. химической промышленности Республики Узбекистан» и другими нормативными актами.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с VII приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Химическая технология и нанотехнологии».

Обзор иностранных научных исследований по теме диссертации⁵. Научные исследования, направленные синтезу и изучению гетерометаллических карбоксилатных комплексов на основе железа(III) проводятся в ведущих мировых научно-исследовательских центрах и высших учебных заведениях, в том числе в Department of Chemistry, University of Vermont, Department of Chemistry, University of Texas, Department of Chemistry and the Molecular Structure Center, Indiana University (США), Department of Chemistry, The University of Hull, School of Chemical Sciences, University of East Anglia (Великобритания), Technische universität Dresden, Sektion Chemic (Германия), The Institute of Physical and Chemical Research (Япония), Departamento de Química Inorgánica, Universidad Auto'noma de Madrid (Испания), Coordination Chemistry Institute, State Key Laboratory of Coordination Chemistry, Nanjing University (Китай), Research Institute for Solid State Physics and Optics (Венгрия), Institute for Atomic Physics (Румыния), Институт общей и неорганической химии РАН, Институт неорганической химии Сибирского отделения Академии наук РАН, Санкт-Петербургский государственный технологический институт (Российская Федерация), Национальный физико-химический институт Национальной академии наук Украины, Институт химии Академии наук Республики Молдова, Национальный университет Таджикистана.

В результате проведенных исследований гетерометаллических карбоксилатов на основе железа(III) в мире дали ряд научных результатов, в том числе следующие: синтезированы представители оксо-центрированных комплексных соединений с общей формулой $[\text{Fe}^{3+}_2\text{M}^{2+}\text{O}(\text{RCOO})_6\text{L}_3]\cdot n\text{L}$ (Department of Chemistry, The University of Hull, School of Chemical Sciences, University of East Anglia, Великобритания); определены молекулярные и кристаллические структуры некоторых из оксо-центрированных карбоксилатов (Department of Chemistry, University of Vermont, Department of Chemistry, University of Texas, Department of Chemistry and the Molecular Structure Center, Indiana University, США), Institute for Atomic Physics (Румыния), Институт общей и неорганической химии Российской АН); магнитохимическое исследование некоторых синтезированных оксо-карбоксилатов показало наличие в них антиферромагнитных взаимодействий; (Институт неорганической химии Сибирского отделения Российской АН, Санкт-Петербургский государственный технологический институт

⁵ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://centralasianstudies.org>; <https://stankiexpert.ru>; <https://www.rfbr.ru>; <http://www.igic.ras.ru>; <https://ssau.ru>; <https://www.mdpi.com>; <https://digibuo.uniovi.es>; <https://www.infona.pl>; <https://www.osti.gov>; <https://istina.msu.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

(Российская Федерация), Институт физической химии Национальной АН Украины); в результате ЯГР-спектроскопического анализа оксокарбоксилатов железа со смешанной степени окисления показал, что они имеют μ_3 -оксокластерную структуру. (The Institute of Physical and Chemical Research (Япония), Институт химии АН Республики Молдова, Таджикский национальный университет).

В мире ведется исследования по получению биологически активных гетерометаллических карбоксилатов на основе железа(III) и их практическому применению, в том числе по таким приоритетным направлениям, как по синтезу и исследованию физико-химических свойств трехъядерных оксокарбоксилатов; получению пористых металлоорганических координационных полимеров на основе синтезированных веществ, используемых при хранении газов, их селективном разделении, адресной доставке лекарств в нужную часть организма, в катализе, люминесценции; получение на основе термического разложения гетерометаллических карбоксилатов диэлектрических магнитных материалов - ферритов, применяемых в электротехнике магнетомеханике.

Степень изученности проблемы. Научные исследования по синтезу и изучению свойств трехъядерных гетерометаллических оксо-центрированных карбоксилатных комплексов на основе железа проводили R. Weinland в Германии, A. Chretien во Франции, A. Blake в Великобритании, R. Cannon в США, T. Sato в Японии, F. Ambe, D. Lupu в Румынии, Z. Zhong, H. Wang в Китае, M. Yazdanbakhsh в Иране, В.В. Зеленцов, Ю.В. Яблоков, Ю.В. Ракитин, В.В. Новоторцев, И.Л. Ерёменко в Российской Федерации, К.С. Гавриленко в Украине, К.И. Турте в Молдове, Х.М. Якубов, Т.А. Насонова в Таджикистане, А.Г.Махсумов, И.Р. Аскарлов и другие ученые в Узбекистане.

Исследования по получению гетерометаллических карбоксилатов на основе железа(III) и изучению их физико-химических свойств и биологической активности во всем мире дали ряд научных результатов, в том числе следующие: были синтезированы представители оксо-центрированных комплексных соединений общей формулы $[\text{Fe}^{3+}_2\text{M}^{2+}\text{O}(\text{RCOO})_6\text{L}_3]\cdot n\text{L}$ (где М = 3d-металл; RCOO^- - анион карбоновой кислоты или ее производное; L - нейтральный электронодонорный лиганд, такой как вода, пиридин), и для некоторых из них были определены молекулярные и кристаллические структуры; для определения индивидуальности веществ использовались методы магнетохимии, ядерного гамма-резонанса (ЯГР), инфракрасной (ИК) спектроскопии, электронной абсорбционной спектроскопии, однако систематически не изучены влияние природы гетерометалла М, карбоксильных и нейтральных лигандов на общие свойства комплекса. Биологическая активность гетерометаллических оксо-центрированных карбоксилатов на основе железа(III) систематически не изучалась должным образом, и эти вещества не разрабатывались как товары массового потребления.

Данная диссертационная работа посвящена синтезу гетерометаллических комплексов некоторых карбоновых и аминокарбоновых кислот на основе железа (III), изучению состава, структуры и биостимулирующих свойств

полученных веществ, классификации по химическому составу, разделению соответствующие новые коды продуктов, направленные на решение таких проблем, как их внедрение.

Связь диссертационного исследования с тематическими планами научно-исследовательских работ. Диссертационное исследование проводилось в рамках плана научных исследований Андиганского государственного университета по направлению «Биологически активные вещества, содержащие железо, их классификация по химическому составу».

Целью исследования является разработка способов синтеза, выделение, определение свойств гетерометаллических оксо-центрированных карбоксилатов на основе железа(III) и создание на их основе новых биостимуляторов, содержащих биогенные металлы а также их классификация по ТН ВЭД.

Задачи исследования:

разработка методов синтеза трехъядерных гетерометаллических оксо-центрированных комплексных соединений на основе железа(III) с карбоновыми, аминокарбоновыми и ферроценкарбоновыми кислотами;

определение состава, структуры и изучение свойств выделенных веществ методами химического анализа, хроматографии, атомно-абсорбционной спектрофотометрии, рентгеноструктурного анализа (РСА), магнетохимии, ЭПР-, ЯГР-, ИК-спектроскопии, масс-спектрометрии, дериватографии и кондуктометрии;

разработка неэнергоемкого способа получения высококачественных шпинельных ферритов на основе термического разложения синтезированных гетерометаллических карбоксилатов;

испытание биостимулирующего действия полученных гетерометаллических соединений на сельскохозяйственные культуры в лабораторных и полевых условиях и разработка рекомендаций к практическому применению стимуляторов с высокой активностью;

изучение влияния стимулирующей активности синтезированных комплексных соединений на повышение живой массы бройлерных цыплят и разработка рекомендаций к применению высокоэффективных биостимуляторов для использования в птицеводческой практике;

классификация и разработка товарных кодов для гетерометаллических оксо-центрированных карбоксилатных комплексов на основе железа(III) согласно правилам ТН ВЭД;

Объектом исследования являются трехъядерные гетерометаллические оксо-центрированные карбоксилатные комплексные соединения на основе железа (III), их биостимулирующее действие на хлопчатник и влияние на изменение живой массы цыплят.

Предметом исследования составляет разработка новых и совершенствование существующих методов синтеза трехъядерных гетерометаллических комплексных соединений на основе железа(III) с карбоновыми, аминокарбоновыми и ферроценкарбоновыми кислотами,

изучение состава, структуры, биологической активности полученных веществ и их классификация в соответствии с правилами ТН ВЭД.

Методы исследования. Диссертационной работе использованы методы химического анализа, тонкослойной и колоночной хроматографии, атомно-абсорбционной спектрофотометрии, рентгеноструктурного анализа (РСА), магнетохимии, ЭПР-, ЯГР-, ИК-спектроскопии, масс-спектрометрии, дериватографии, кондуктометрии, квантово-химического вычисления структуры и свойств веществ, а также правила классификации товаров по ТН ВЭД.

Научная новизна исследования:

впервые разработаны методы синтеза гетерометаллических трехъядерных карбоксилатных комплексов со смешанной степенью окисления;

синтезированы 59 гетерометаллических оксо-центрированных карбоксилатных комплексов на основе железа(III) общей формулы $[\text{Fe}^{+3}\text{M}^{2+}\text{O}(\text{RCOO})_6\text{L}_3]\cdot n\text{L}$ (где $\text{M} = \text{VO}, \text{Mn}, \text{Fe}, \text{Co}, \text{Ni}, \text{Cu}$ или Zn ; $\text{R} = -\text{CH}_3, -\text{C}_2\text{H}_5, -\text{CH}_2\text{Cl}, -\text{CH}_2\text{Br}, -\text{CH}_2\text{I}, -\text{CCl}_3, \text{C}_5\text{H}_5\text{NCH}_2-, -\text{CH}_2(\text{NH}_2), \text{CH}_3\text{CH}(\text{NH}_2)-, (\text{CH}_3)_2\text{CHCH}(\text{NH}_2)-, (\text{CH}_3)_2\text{CHCH}_2\text{CH}(\text{NH}_2)-, n\text{-Fc}(\text{CSNH}_2)\text{-C}_6\text{H}_4-$; $\text{L} = \text{H}_2\text{O}, \text{C}_5\text{H}_5\text{N}, \text{C}_7\text{H}_9\text{N}, \text{C}_9\text{H}_7\text{N}$) и впервые основан новый класс полиядерных комплексных соединений;

осуществлен квантово-химический расчет геометрических параметров молекулярных структур синтезированных гетерометаллических μ_3 -оксо-карбоксилатов; установлено, что рассчитанные данные удовлетворительно согласуются с экспериментально измеренными методом РСА;

